

Тошкент вилоятида аҳоли бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

БАНДЛИК ДАСТУРИ — АМАЛДА

— Жорий йилнинг ўтган даврида туман ва шаҳар ҳоқимликлари, прокуратура ҳамда бандлик кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари ҳамкорлигида саксонга яқин меҳнат ярмаркаси ўтказилди, — дейди Тошкент вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари С.Бо-боқулов. — Уларда уч мингдан зиёд корхона, ташкилот ва муассаса ўзининг мавжуд бўш иш ўрни билан иштирок этди.

ЎЗА

САМАРҚАНД

Самарқандга ёндош Фарҳод шаҳарчасида спорт ва саломатликка алоҳида эътибор қаратилади.

ИБРАТЛИ АНЪАНА

Бу ерда истикомат қилаётган олти мингдан зиёд аҳоли бўш вақтларини спорт майдонлари ва залларида ўтказишга одатланган. Эллидан ортиқ йирик ва кичик корхона ўз ходимларига ана шундай шароит яратиб бераётир.

Саноатлашган шаҳарчада «Биритиш Американи Тобако-Ўзбекистон» қўшма корхонаси, «Зарафшон» махсус йўл қурилиш корхонаси, «Асир экспорт» МЧЖ, «Капитал дельта плюс» каби корхоналар бу ишларга бош-қош бўлишмоқда.

Ўз мухбиримиз



Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

Ishonch

Ўзбекистон касба uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2013-yil 9-noyabr, shanba № 136 (3329)

Ахборот

Кеча Ўзбекистон касба uyushmalari Федерацияси Кенгаши Раёсатининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни ЎзКУФК раиси Танзила Нарбаева олиб борди. Йиғилишда асосий эътибор Ўзбекистон касба uyushmalari Федерациясининг 2013 йил 9 ойи давомидаги иш якунига қаратилиб, жорий йил учун белгилаб олинган касба uyushmalari фаолиятининг 12 та устувор йўналиши доирасида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилгани қайд этилди.

Раёсат йиғилиши



Бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш дастури бажарилишининг бориши ҳақидаги масала ҳам йиғилганлар диққат марказида бўлди. Самарқандлик ошиб, аҳолининг ишончи ортиб бораётгани таъкидланди. Хусусан, жамоа шартномалари орқали ижтимоий кўмак берилган фуқаролар ва оилалар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 124 фоизга, бу мақсадларга сарфланган маблағ миқдори эса 254 фоизга ортган.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури ҳамда шу асосдаги Федерация Кенгаши дастуридаги тадбирларнинг бажарилиши борасида касба uyushmalari ташкилотлари томонидан муайян ишлар амалга оширилганига эътибор қилинди. Жумладан, Дастурлар ижроси учун ўтган давр мобайнида 140 млрд. 281 млн. сўмдан зиёд маблағ сарфланган.

«Болаларни ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш мавсумининг якуни тўғрисида»ги масала чуқур таҳлил қилинди. Жорий йилги ёз мавсумида жойлардаги 1058 та оромгоҳда 293 минг 866 нафар бола соғломлаштирилгани, яъни белгиланган режанинг 108,7 фоиз қилиб бажарилгани қайд этилиб, бу соҳада олиб борилаётган кенг қўламадаги ислохотларнинг натижаси эканлиги таъкидланди.

Шу билан бирга, кун тартибига қўйилган айрим масалалар муҳокамаси пайтида бир қатор вазифаларнинг ижроси юзасидан камчиликларга йўл қўйилгани ҳам айтиб ўтилди. Касба uyushmalari Марказий кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касба uyushmalari ташкилотлари билан биргаликда ҳамда тасаруфдаги ташкилотлар раҳбарлари ва фаолларига мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан аниқ кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

Раёсат йиғилиши тафсилоти билан газетамизнинг навбатдаги сонидан танишасиз.

Ислохотлар самараси

Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш Давлат дастурининг қабул қилиниши туфайли тиббиёт, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида ўзига хос миллий модел яратилди. Қишлоқ врачлик пунктлари, туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари, вилоят кўп тармақли тиббиёт марказларидан бошланиб, Республика ихтисослаштирилган ҳамда шохлинин тиббий марказларига қадар барча даражаларни қамраб олган аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг мукамал ташкилий тузилмаси шаклланди.

Тиббиётда янги тизим — замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган скрининг ва перинатал марказларига асос солинди. Республика скрининг маркази ва унинг вилоятлардаги филиалларида перинатал текшируе — ҳомиланинг ривожланишини кузатиш, чақалоқлардаги туғма хасталикларни аниқлаш, ирсий ва туғма хасталик билан туғилган беморларга ҳамда ногирон фарзанди бор оилаларга тиббий-генетик маслаҳат ва даволаш хизмати кўрсатиш бугун ўз самарасини бераётир.

Қолаверса, мамлакатимизда дунёда биринчилардан бўлиб, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш учун поливитаминови бепул етказиб бериш амалиёти йўлга қўйилди. Унинг зарур микроэлементлар билан бойитиш, тузми йодлаш дастурлари ҳам муваффақиятли олиб борилмоқда. Натижада, аҳоли ўртасида йод танқислиги ва туғиш ёшидаги аёллар орасида камқонлик касаллиги сезиларли даражада қаммайди.

Эл саломатлигини кўзлаб амалга

Чеварлар маскани

Қорақўл туманидаги «Кумуш калава» масъулия-ти чекланган жамияти жорий йилда «Асака» Давлат акциядорлик тижорат банкининг Бўжоро шаҳар филиалидан кредит олиб, тайёрланаётган кийим-ке-чак маҳсулотларини йиғирма турга етказди.

2009 йилдан бўён фаолият кўрсатаётган корхона жамоаси асосан ёшлардан иборат. Улар орасида Манзураҳон Жўраева, Нодира Мансу-рова, Саодат Ҳамроева каби моҳир чеварлар бор.

Суратда: Қорақўл туманидаги «Кумуш кала-ва» масъулияти чекланган жамияти ишчиси Ман-зураҳон Жўраева.

Тоҳир ИСТАТОВ (ЎЗА) олган сурат



8 декабр — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таъдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.

(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 17-моддасидан)

Ўзбекистон — халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти

Дунёда халқлар кўп, лекин уларнинг ҳаммаси ҳам ўз давлатига эга эмас. Ўз давлатига эга халқлар ҳам бор, лекин уларнинг ҳаммаси ҳам халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти эмас.

Шу боис Ўзбекистон деганда ҳар бир юртдошимиз хаёлидан «жаҳонда ўз урнига эга, халқаро муносабатларнинг қомил ҳуқуқли аъзоси бўлган Ватаним бор», деган ўй ўтади ва қалби гурур-ифтихорга тўлади.

Давлат мустақиллигининг асосий белгиларидан бири унинг кенг миқёсдаги халқаро эътирофидир. Йиғирма бир йилдири, БМТ бош қароргоҳида Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи хилпираб турибди.

Ўзбекистон ҳамкорликдан манфаатдор бўлган барча мамлакатлар билан дипломатия тўла муносабатларини йўлга қўйган. Хусусан, қатор йирик давлатлар билан ўзаро муно-

сабатларимиз стратегик шериклик даражасига кўтарилган. АҚШ, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Россия шулар жумласидан.

Бугунги кунда 46 мамлакатда Ўзбекистон дипломатик ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг мамлакатимизда очилган элчихона ва ваколатхоналари сони олти-мишдан ошди.

(Давоми 2-саҳифада).

«Касба сайр»

Саёҳат ва зиёрат

Истиқлол шарофати боис шаҳар ва қишлоқларимиздаги улкан бунёдкорлик ҳар бир кишини ўзига мафтун қилмасдан қолмайди. Шу боис хамюртларимизда мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ўзгаришларни ўз кўзи билан кўриш, улардан баҳра олишга бўлган иштиёқ ортиб бормоқда. Айниқса, кўҳна ва ҳақиқан нақсон Самарқанд шаҳрига ташриф буюраётган меҳмонлар сони кейинги йилларда бир неча ўн баробарга ошиб кетди.

Ўзбекистон касба uyushmalari тизимида фаолият юритаётган «Касба сайр» шўъба корхонаси томонидан мамлакатимизнинг қадимий шаҳарлари ва зиёратгоҳ масканларига кўплаб саёҳатлар ташкил этилмоқдаки, бу ҳар жабҳада ўз самарасини бермоқда.

— Жорий йилнинг ўтган қирқ кунги мобайнида «Касба сайр» шўъба корхонаси шафелигида кўлган 200 нафардан ортиқ меҳмонларни кутиб олдиқ, — дейди Самарқанд шаҳридаги «Нодир Самарқанд» меҳмонхонаси

раҳбари Мансур Раҳмонов. — Касба uyushmalari томонидан қурилиб ишга туширилган меҳмонхонамизда улар учун барча шароитлар яратилган. Замонавий спорт анжумлари билан таъминланган муъжазгина спорт зали, сауна, бассейн меҳмонларни хизматига. Энг муҳими, бу ерда бўлган киши қадимий Самарқанднинг тамал тоши бўлиш билан биргаликда қадимий қўрғонлар ва кўҳна Афросиёбни яёв айланиб чиқиши ҳам мумкин.

(Давоми 5-саҳифада).

Соғлом турмуш — бош мақсадимиз

оширилаётган хайрли ишлар нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан кенг миқёсда эътироф этилаётир. 300 га яқин жаҳонга таниқли фан ва халқаро ташкилотлар қатнашган «Соғлом она — соғлом бола» мавзусидаги халқаро симпозиумда Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг Бош директори Маргарет Чен Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг ноб ё модели шаклланишини ҳамда Ўзбекистонда тиббиёт соҳасида ва тиббий кадрларни тайёрлаш масалаларида юқори натижаларга эришилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Истикболдаги режалар кўлами яна-

биялашга чексиз эътибор ва гамжўр-лиги, мамлакатимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар боис ана шундай беқиёс имкониятларга эга бўлдиқ. Буларнинг бари халқимиз соғлиги, фаровон ҳаёт ке-чириши учун қилинаётган эзгу ишлар-дир. Зотан, мамлакатимизда инсон саломатлигини асраш устувор вазифа бўлиб, бу борадаги сай-ҳаракатлар ҳар бир тиббиёт ходимини янада фа-олиққа ундайди, — дейди Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касба uyushmalari Марказий кенгаши раиси Ф.Ханалиева. — Соҳада туб ислохот-ларни амалга оширишда касба uyush-

маларининг ўзига хос ўрни бор. Соғ-лиқни сақлаш вазирлиги ҳамда тармоқ касба uyushmalari Марказий кенгаши ўртасидаги икки томонлама келишув-га асосан тизимда ишловчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари, банд-лик, меҳнат шароити, иш хақи ва меҳ-нат муҳофазасига оид манфаатлари тўла қамраб олиншига ҳаракат

қилинмоқда. Кўплаб тиббиёт муассасаларида ходимларга қўшимча имти-ёзлар берилаяпти.

Марказий кенгаш томонидан «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижроси-ни таъминлаш юзасидан 2013 йилнинг 10 ойи давомида қатор ишлар ба-жарилди. Жумладан, тиббиёт муассас-аларида имзоланган жамоа шартнома-лари орқали 6943 нафар кам таъминлан-ган оилага 271,6 млн. сўмлик, шунинг-дек, Марказий кенгаш ҳисобидан 37 нафар ходимга 5,2 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 52 нафар ёш оила-га корхоналар ҳисобидан 404,2 млн. сўмлик фойсиз ссудалар берилди, 131

нафар олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабанинг шартнома пулларининг бир қисми тўланди. Тиб-биёт олий таълим муассасаларининг 4 нафар, ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларининг 24 нафар талаба-ўқувчиларига Марказий кенгашнинг ус-тама стипендияси таъсис этилди. Олий ва ўрта махсус тиббиёт таълим муас-

сасаларида таҳсил олаётган талаба-ўқувчиларни кўплаб-қувватлаш мақса-дида Марказий кенгаш томонидан Тошкент фармацевтика институтининг талабалар турар жойига 2 та музлатгич тақдим этилди.

80 та тиббиёт коллежининг 49 минг 418 нафар битирувчиси 2126 та муас-сасага амалиёт ўташ учун бириктирил-ди. Касба uyushmalari маблағи ҳисо-бидан тиббиёт коллежларининг кам таъминланган битирувчиларига мод-дий ёрдам кўрсатиш мақсадида тақси-мот ишлаб чиқилиб, худудлар бўйича масъул ташкилотчиларга юборилди ҳамда бажарилиши назоратта олинди.

Ходимларнинг ҳуқуқий билимини ошириш борасида касба uyushmalari мутахассислари иштирокида ўқув-семи-нар, давра суҳбати, урчушув ва муло-қотлар ташкил этилаётгани бесамар кетмапти. Жорий йилнинг 6 ойи да-вомида тиббиёт ходимларидан 63 та оғзаки ва 61 та ёзма муурожаатлар бўлиб, барчаси ижобий ҳал этилди.

«Ишонч» телефонлари орқали 21 нафар соҳа ходими тегишли ҳуқуқий маслаҳат олди.

1791 нафар кам таъминланган, бо-қувчисини йўқотган оила фарзандла-ри учун 42,3 млн. сўмлик ўқув қурол-лари ва дарслиқлар олиб берилди ҳамда 750 нафар фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшгача тўлгунга қадар бўлган оналарга 45,4 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 159 та муассаса-да 235 нафар болани аёлга ойлик ма-оши сақланган ҳолда иш ҳафтаси бир соатга қисқартирилди.

Президентимизнинг «2011-2015 йил-ларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш-нин янада қунайитириш бўйича қўшим-ча чора-тадбирларни тўғрисида»ги Қарори асосида Марказий кенгаш томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ноги-рон болаларни соғломлаштириш сана-торийсига 3 млн. сўмлик ҳоимийлик ёрдами кўрсатилди.

(Давоми 3-саҳифада).

(Давоми. Бошланиш 1-саҳифада).

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунларидан Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий давлатчилигимизни мустахкамлаш, мамлакатимизни ривожлантириш, айрим ҳаётий муҳим масалаларда (ғалла мустақиллиги, энергетик мустақиллик) эски тузумдан мерос қолган қарамликдан қутулиш бораборида, халқаро муносабатлар тизимида кириш, ундан мустахкам ўрин олиш, сиёсий нуфузини юксалтириш, чет мамлакатлар билан тенглик асосида барпо этилган йўлга қўйиш ва кенгайтириш, жаҳон ҳамжамияти нигоҳини минтақамиздаги ўткир муаммоларга қаратиш йўлини таллади.

Албатта, ҳар қандай давлат муайян қонуналар доирасида фаолият юрताди. Қонуналарнинг асосийси, табиийки, Конституциядир. Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Конституцияси мукамал қондалар тўплами бўлиб, истиқлолнинг илк даврдан мамлакатимизни ривожлантириш ва айни пайтда ҳар томонлама фойдали, эл-юрт манфаатларига мос тарзда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолият юритиш учун мустахкам ҳуқуқий асос вазифасини ўтаб келмоқда.

1993 йилда давлатимиз раҳбари БМТ минбаридан туриб, дунё аҳли эътиборини Афғонистон можароси, Орол ҳалокати каби кескин муаммоларга жалб этди. Бу билан Ўзбекистоннинг узоқни кўзлаган ташқи сиёсати тинчликпарварлик, ўзаро тенглик, ҳурмат ва манфаатдорлик тамойиллари, умумбашарий тараққийот ёғларига асосига барпо этилган намоён бўлди. Терроризм, экстремизм, наркотик моддалар контрабандаси, экологик инқирозлар билан боғлиқ муаммоларнинг долзарблиги ошиб бораётган, улар ҳақида ҳар қуни бонг урилаётган ҳозирги даврда Ўзбекистоннинг ўша пайтда тутган позицияси қанчалар оқилона ва одилона йўл бўлганини, энг муҳими, бу позиция ўзгармай келаётганини алоҳида таъкидлаш даркор.

Ўзбекистон ташқи сиёсати тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик

асосига қурилган. Бу тамойил ўз-ўзиндан янада муҳим аҳамиятга молик кейинги тамойилни майдонга чиқаради — мамлакатимиз ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блоklarга қўшилмайди, демак, Ўзбекистон ҳарбийлари ўзга мамлакатлар ҳудудидан хизмат қилмайди. Шу тариқа, Ўзбекистон бутун дунёга ўз сиёсатининг беғараз эканини, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига содиқлигини намоён этмоқда.

Мамлакатимиз ташқи сиёсатининг яна бир ўзига хос жиҳати, ҳар қандай давлат билан, аввало, икки томонлама асосдаги муносабатларни ривожлантиришдан иборат. Тўғри, БМТ, ШХТ, МДХ каби тузилмалар доираси-

даги кўп томонлама ҳамкорлик ҳам фойдали. Лекин бу соҳада Ўзбекистон бир давлат ё давлатлар гуруҳи сафига қўшилиб, бошқа бир мамлакат ё мамлакатлар гуруҳига қарши турмайди.

Ўттиз йилдан зиёд вақт давомида уруш домида қолиб келаётган Афғонистон тақдири, бу мамлакат билан муносабатлар юзасидан ҳам Ўзбекистон аниқ-равшан позицияга эга. Ислам Каримов Афғонистон можаросини куч ишлатиш йўли билан ҳал қилиб бўлмағлини, фақат қарама-қарши томонлар ўртасида муросага эришиш, мамлакатнинг иқтисодий ва инфратузилмасини тиклаш, мақ-

сади гуманитар лойиҳаларни амалга ошириш орқали тинчликка эришиш мумкинлигини таъкидлаб келади. Ўзбекистон бу мамлакат халқининг хоҳиш-иродаси билан шаклландирган ҳокимият билан барча соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликка тайёр.

Ўзбекистон ўзининг аниқ позицияси, халқаро сиёсат кун тартибидagi масалаларга қатъий ёндашуви эга бўлгани, ташқи сиёсий даражадаги катта фалокат келиб чиқишига йўл қўймаганини очиқ эътироф этди.

Ўзбекистон Конституциясининг 17-моддасида таъкидланганидек, «Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга

рени аниқлашга, юз минглаб болалар, қариялар ва аёллардан иборат қочқинларга бошпана беришга эътибор қаратди. Миллатлараро низо, ҳатто давлатлараро қарама-қаршиликнинг олдини олди. Вазият ўнгланидан кейин бутун дунё Ўзбекистон раҳбарияти эҳтиросга берилмасдан, вазминлик билан тўғри қарор қабул қилганини, минтақавий даражадаги катта фалокат келиб чиқишига йўл қўймаганини очиқ эътироф этди.

Ўзбекистон Конституциясининг 17-моддасида таъкидланганидек, «Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга

Янги авлод

«Хунарли киши хор бўлмас», дейишади. Хозирда хунар ортидан топилган даромад фақатгина кун ўтказишгагина эмас, катта-катта орзуларни амалга оширишга етарли бўлмоқда.

«Ипақлари тиллодан...»

Чевар қиз Камола миллий каштачиликни ўрганишни бошлагандек унга шунчаки қизиқиш деб эмас, аниқ мақсад, гўзал ҳаёт тарзи сифатида ёндашди. Мақсадга эрилган юмшудан, албатта, гўзал самара вуқудга келади. Беш йил аввал оддий нақшларига тика олувчи Камола бугунга келиб, санъат даражасидаги сўзана-ю палаклар, ёстиқ жилдлари каби турли бадиий буюмлар ижодкори га айланган.

Истеъдод учун энг кераклиси — эътибор ва рағбатдир. Камоланинг бу борада ҳам омади чопган. 2012 йилда «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивалининг саралаш босқичи, 2013 йилнинг «Келажак овози» республика танловининг аънавий ва амалий санъат номинацияси бўйича вилоят босқичи голиби сифатида эътироф этилди ва муносиб рағбатландирildi.

Хозирда Наманган туманидаги 37-мактабни битириш арафасидаги Камола Олимжонова таълимнинг кейинги босқичини Маданият коллежидан давом эттирмоқчи.

— Қайси соҳада бўлмасин, инсон ҳаммаша ўрганиш ва излашдан тўхтамаслиги керак, — дейди Камола. — Мен ҳам хунар сирларини мукамал ўрганиб, уни замонавий усуллар билан бойитиб, санъат ихлосмандларига тақдим этишни орзу қиламан.

Дилдора РАХМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

Ўзбекистон — халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти

даги кўп томонлама ҳамкорлик ҳам фойдали. Лекин бу соҳада Ўзбекистон бир давлат ё давлатлар гуруҳи сафига қўшилиб, бошқа бир мамлакат ё мамлакатлар гуруҳига қарши турмайди.

Ўттиз йилдан зиёд вақт давомида уруш домида қолиб келаётган Афғонистон тақдири, бу мамлакат билан муносабатлар юзасидан ҳам Ўзбекистон аниқ-равшан позицияга эга. Ислам Каримов Афғонистон можаросини куч ишлатиш йўли билан ҳал қилиб бўлмағлини, фақат қарама-қарши томонлар ўртасида муросага эришиш, мамлакатнинг иқтисодий ва инфратузилмасини тиклаш, мақ-

сади гуманитар лойиҳаларни амалга ошириш орқали тинчликка эришиш мумкинлигини таъкидлаб келади. Ўзбекистон бу мамлакат халқининг хоҳиш-иродаси билан шаклландирган ҳокимият билан барча соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликка тайёр.

Ўзбекистон ўзининг аниқ позицияси, халқаро сиёсат кун тартибидagi масалаларга қатъий ёндашуви эга бўлгани, ташқи сиёсий даражадаги катта фалокат келиб чиқишига йўл қўймаганини очиқ эътироф этди.

Ўзбекистон Конституциясининг 17-моддасида таъкидланганидек, «Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга

рени аниқлашга, юз минглаб болалар, қариялар ва аёллардан иборат қочқинларга бошпана беришга эътибор қаратди. Миллатлараро низо, ҳатто давлатлараро қарама-қаршиликнинг олдини олди. Вазият ўнгланидан кейин бутун дунё Ўзбекистон раҳбарияти эҳтиросга берилмасдан, вазминлик билан тўғри қарор қабул қилганини, минтақавий даражадаги катта фалокат келиб чиқишига йўл қўймаганини очиқ эътироф этди.

Ўзбекистон Конституциясининг 17-моддасида таъкидланганидек, «Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси

Энг намунали бошланғич ташкилот

Бошланғич касабани уюшма ташкилотлари фаолиятини янада жонлантириш ва аъзолар манфаатлари ҳимоясини ҳар томонлама кўчатириш мақсадида ташкил этилаётган «Энг намунали бошланғич ташкилот» республика кўрик-танловининг тarmoқлар ўртасидаги республика босқичлари асоси ушбу номга муносиблар сараланишга олинапти. Таъкидлаш жоизки, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабани уюшмаси Марказий кенгаши томонидан ЎзКУФК ўқув марказида танловнинг республика босқичи байрамона руҳда ўтди.

Муносиблар сараланди

Одатдагидек тадбир аввалда тармоқ ходимлари касабани уюшмаларининг ҳудудларда голиб бўлган бошланғич ташкилотлари фаолиятини сўловчи кўргазмага диққат-эътибор қаратилди. Жамоа шартномалари ва унинг ижросига оид ҳужжатлар, шунингдек, турли тадбирлар акс этган стенд ва фотосуратлар меҳнатқашлар манфаати устувор йўналиш эканлигини яна бир бор тасдиқлагандек бўлди.



Тармоқ ходимлари Марказий кенгаши раиси вазифасини вақтинчалик бажарувчи Абдухамид Йўлдошев барча иштирокчиларни кутлаб, кўрик-танлов мазмун-моҳияти, мақсади ҳақида атрафлича тўхталиб, шундай деди:

— Касабани уюшмалари тизимида амалга оширилаётган ишларни янада ривожлантириш, меҳнатқашлар ўртасида касабани уюшмалари фаолиятининг халқчиллигини таъминлаш, маъқени оширишга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Шу маънода ташкил этиб келинаётган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови муҳим аҳамият касб этаётир.

Бошланғич ташкилотлар раислари ўзларининг ижобий иш тажрибасини видеооралик ва слайдлар орқали намойиш этилди.

Шундан сўнг танловнинг тармоқ бўйича республика босқичи голиблари эълон қилинди. Унга кўра, 1-ўринга Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги Н-ҳарбий қисм касабани уюшма кўмитаси сазовор бўлди. Жиззах вилоят Ногиронлар учун минтақавий реабилитация маркази касабани уюшмаси кўмитаси 2-ўрин насиб этган бўлса, «Ипотека банк» АТИБ Хоразм вилоят филиали касабани уюшма кўмитаси 3-ўринга лойиқ деб топилди ҳамда ташкилотчилар томонидан диплом ва қўмнатбаҳо совғалар билан тақдирланди. Қатор бошланғич ташкилотларга тармоқ ходимлари Марказий кенгашининг Фахрий ёрлиги ва совғалари топширилди. Шунингдек, «Энг чиройли кўргазма ташкил қилган бошланғич касабани уюшма-

си ташкилот» номинациясига Андижон олимпия захиралари коллежи, «Энг яхши иш юритувчи бошланғич касабани уюшмаси ташкилот» номинациясига эса Самарқанд вилояти Давлат тижорат «Халқ банки» касабани уюшма кўмиталари муносиб қўрилди.

Мунаввар Қабулова, Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги Н-ҳарбий қисм касабани уюшма кўмитаси раиси:

— Ортимиз тинчлигини сақлашга масъул ҳарбийларни ҳар қанча эъозласак оз. Шу маънода ҳарбийларимиз ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратганмиз. Жумладан, «Обод турмуш йили» дастури доирасида ҳарбий шахарчада болалар майдончалари ташкил этиляпти.

Режа асосида йил давомида «Соғ танда — соғлом ақл» шiori остида спорт мусобақалари мунтазам ўтказиб борилади. «Маънавият соатлари» доирасида «Алишер Навоий — маърифат куйчиси», «Амир Темур — буюк сохибқирон» ҳамда Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китоби мазмун-моҳиятига бағишланган ва бошқа қатор тадбирлар аъзоларимизнинг маънавий савиясини оширишга, дунёқарагини бойитишга хизмат қилаяпти.

Касабани уюшма вазифалари серқирра ва унинг ижроси йўлида ташаббускорлик курсатиш ишлагга тўғри келаяпти. Муҳими, ҳуқуқий манфаатлари муҳофаза қилинган, фидойилигига яраша мириқиб дам олиб, саломатлигини тиклашга имкон топа билган, фарзандлари ардоқланаётганига гувоҳ бўлган киши, шубҳасиз, астойдил меҳнат қилишга, юрт равнақи учун жон куйдиришга иштиёқманд бўлади.

Санобар Мансурова, Жиззах вилоят Ногиронлар учун минтақавий реабилитация маркази касабани уюшма кўмитаси раиси:

— Марказимиз 1998 йилда ташкил топган бўлиб, 62 нафар ходим даволанувчиларга хизмат кўрсатади. Жамоа шартномаси ижроси натижаларига кўра, ўтган йил ҳар бир ходимга сарфланган маблағ 834 минг сўмини ташкил этди. Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси Кенгашининг кўшимча иш ўринлари яратиш борасидаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2011 йилда 3 нафар, ўтган йил эса 4 нафар ходимни ташкилотимиз иш билан таъминлади, яъни кўшимча иш ўринлари яратилди.

Жамоада 35 ёшгача бўлган ходимлар 15 нафарни ташкил этади. Уларнинг касб маҳоратини ошириш мақсадида турли номинациялар бўйича кўрик-танлов ўтказиб келинади. Жорий йилда коллежамизга 6 нафар ёш мутахассисга малакали ходимлар бериштирилди. Улардан икки нафарига энг кам иш ҳақининг 50

фиоиз миқдоридан моддий ёрдам кўрсатилди.

Светлана Аскарлова, «Ипотека банк» АТИБ Хоразм вилоят филиали касабани уюшма кўмитаси раиси:

— Банкимизда 110 нафар ходим ишлайди. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини таъминлаш мақсадида 2013-2015 йилларга мўлжалланган иш берувчи ва касабани уюшма ўртасида жамоа шартномаси қабул қилинган. Шунингдек, филиалда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Жамоа шартномасига илова сифатида ҳар йил бошида меҳнат муҳофазаси бўйича маъмурият ва касабани уюшма кўмитаси ўртасида Битим тузилади.

Жамоа шартномасида асосий урғу ижтимоий ҳимояга қаратилган. Жумладан, фахрийлар, ногиронлар, кўп болали, фарзанди уч ёшга тўлгунга қадар бўлган оналарга моддий ёрдам кўрсатиш, банк ҳисобидан ходимлар ва улар оила аъзоларини дам олдириш ва соғломлаштириш, болали аёлларнинг иш вақтини қисқартириш, кам таъминланган оила фарзандлари учун ўқув қуроллари харид қилиш ва бошқа масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Ҳар ойда икки марта «Маънавият соатлари» ўтказилади. Унда Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими билан ҳамкорликда турли мавзуларда ўнрашув, давра сўхбатлари ташкил этиб келинаётир. Банкда иқтисодий, касб бўйича техник ўқувлар ҳам олиб борилади.

Филиалда спорт-соғломлаштириш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Ходимлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида жорий йилнинг апрел-май ойларига бўлиб ўтган вилоят корхона ва ташкилотларининг ҳаваскор жамоалари ўртасидаги мини футбол бўйича вилоят кубоги мусобақасида филиал жамоаси иштирок этиб, нуфузли ўринни эгаллади.

«Нуруний» жамғармаси Марказий кенгаши раисининг ўринбосари Шухрат Усмонов, «Махалла» хайрия жамоат фонди раисининг ўринбосари Гавҳар Алимова ҳамда «Камолот» ЕИХ Марказий кенгаши раиси ўринбосари Феруза Муҳаммадҷоновалар ҳам сўзга чиқиб, ушбу танлов бошланғичлар фаолиятида муҳим ўрин тутганини таъкидлашди. Жамоат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий шериклик натижасида кўплаб имкониятлар намоён бўлаётгани эътироф этилди.

Ўз мухбиримиз



БАНК КЎМАГИ – КОРХОНА ТАЯНЧИ

Мамлакатимизда яратилган қулай бизнес муҳити, мавжуд имтиёз ва имкониятлар Оролбўйи корхоналари иқтисодий равнақда муҳим омили бўлмоқда.

Нукус шаҳрида 2011 йилда фаолият бошлаган «Табийғий ишимликлар» масъулияти чекланган жамиятида дастлаб қвас ишлаб чиқарилад экан. Асосан ёшлар меҳнат қилаётган корхонада эндиликда «Асака» давлат акциядорлик тижорат банкидан олинган кредит ёвазига замонавий технологиялар ўрнатилиб, қадокланган

тоза ичимлик суви ва яхна чой ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Суратда: «Табийғий ишимликлар» масъулияти чекланган жамияти технологи Даврон Мусаев.

Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган сурат

Кўрик-танлов

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабани уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамкорлигида «Энг илғор ҳарбий ҳамшира» кўрик-танловининг якуний босқичи ўтказилди. Тиббиёт ходимлари кунли муносабати билан уюштирилган тадбир Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Марказий Ҳарбий клиник госпиталининг маданият саройида бўлиб ўтди.

Зукко ҳамширалар

Унда Мудофаа вазирлиги тизимидаги вилоятлар ҳудуди босқичларда голиб бўлган тиббиёт ходимлари иштирок этдилар. Танловда ҳарбий тиббиёт ходимларининг профессионаллик савиясига, интеллектуал салоҳиятига, миллий қадриятларини, урф-одатларини, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва оилавий ҳаётдаги ўрнига эътибор қаратилди.

Танловнинг Республика босқичида фахрли 1-ўрин Тошкент шаҳридан Севара Бағадировага, 2-ўрин Нукус шаҳридан Карима Абдужалиловага, 3-ўрин Жиззах шаҳридан Зарифа Бўроновага насиб этди.

— Табиийки, ҳар бир соҳа вакили ўз билимини янада

бойитиб, тажрибасини ошириб борсагина кўзлаган мақсадга эришади, — дейди С.Бағадирова. — Шу жиҳатдан олиб қараганда, мазкур танлов биз ҳамширалар учун ўзаро фикр алмашиш ва тажриба орттириш мактаби вазифасини ҳам ўтади. Қолаверса, фаолиятимизга янада масъулият билан ёндашиб, янгича назар билан қарашимизга туртки берди.

Ғолиб ҳамда иштирокчиларга тармоқ ходимлари касабани уюшмаси Марказий кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

Мудофаа вазирлиги Қуролли Қунар Марказий ашула ва рақс ансамбли санъаткорларининг қишқилари барчага байрамона кайфият бағишлади.

Раъно МАҲКАМОВА,
«Ishonch» мухбири



Чилонзор тумани «Олтин мерос» жамғармаси қошидаги Абдулқосим мадрасаси биноси ичида жойлашган ёғоч ўймакорлиги санъати устонасида турли хил маҳсулотлар тайёрланмоқда.

АЖДОДЛАР ИЗИДАН

ликда қўл меҳнати билан оддий ёғочга безак бериб, гўзаллик яратишда укам Анвархўжа ва жияним Фаҳриддин менга яқин кўмақдош. Уғлим Раҳим, укамнинг ўғиллари Абдулла ва Асрор ҳамда 12 нафар шоғирдим ҳам бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилишмоқда. — дейди уста Юлдош Азларов. — Бизлар Тошкент ўймакорлиги санъати услубида ишлаймиз. Танаси

қаттиқ қайрағоч, эман, чинор, ўрик ва маҳаллий ёнғоқ дарахтидан кенг фойдаланамиз. Кўргазмаларга қатнашиб турамиз. Ташаббус — 2011 кўрик-танловининг шаҳар босқичида иккинчи ўринга сазовор бўлганмиз. Бундан буён ҳам касб маҳоратимизга сайқал бериш ниятидамыз.

Икром ҲАСАНОВ олган сурат

Ҳамкор ташкилотларда

Миллий матбуот марказида «Оилавий бизнес, касаначиликни ривожлантириш масалалари, яратилган шарт-шароитлар, имтиёзлар, эришилаётган натижалар» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви мутаасаддилари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Солиқ ва Хотин-қизлар кўмиталари ҳамда бошқа ҳамкор ташкилотлар вакиллари, фуқаролар йиғинлари раислари, тадбиркорлар иштирок этди.

Маҳалла — тадбиркорлар маскани

Тадбирни «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси Анвар Аҳмедов кириш сўзи билан очиб, маҳаллаларни хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес марказига айлантириш, миллий хунармандчиликни ривожлантириш, янги иш уринларини ташкил этиш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасида «Маҳалла» фонди ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилаётган ишларга тўхталиб ўтди.

Оилавий бизнес ҳамда касаначиликни ривожлантиришда маҳалла фуқаролар йиғинларининг тугган ўрни ўзига хос бўлиб, янги тахрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудда тадбиркорлик, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш мақсадида «Маслаҳат марказларини» ташкил этиш мумкинлиги белгилаб қўйилган. Айни вақтда мамлакатимиздаги 5200 дан зиёд маҳаллаларда ана шундай марказлар мавжуд.

Тадбирда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмаги билан жорий йилнинг ўтган даврида 20 мингдан зиёд оилавий тадбиркорлик фаолияти ташкил этилганлиги алоҳида урғу берилди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар маҳаллаларда тадбиркорлик ва касаначиликни бундан-да ривожлантириш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Ўз мухбиримиз



САВОЛ: Компаниямиз ходимини кейин камид 3 йил ишлаб бериш шарти билан хорижий мамлакатлардан бирига 6 ой ўқиб келишга юрбоққимиз. Биз ишлаб беришнинг бундай муддатини белгилашимиз мумкинми ва мазкур муносабатларни қандай қилиб тўғри расмийлаштириш бўлади? Т.ЭРГАШЕВА, Навбахор тумани

ЖАВОБ: Меҳнат Кодексининг (бундан кейин — МК) 104-моддасида мувобик фақат муддатли меҳнат шартномасида уни муддатидан олдин бекор қилганлик учун тарафларнинг неустойка тўлаши ҳақидаги ўзаро мажбуриятлари назарда тутилиши мумкин, бунга қўра, агар меҳнатга сид муносабатлар ходимнинг айбли хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ бўлмаган асослар бўйича (МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 1, 2, 5, 6, ва 7-бандлари) иш беворчининг ташаббуси билан бекор қилинган бўлса, иш беворчи ходимга неустойка тўлайди, агар меҳнатга сид муносабатлар ходимнинг ташаббуси билан (МКнинг 99-моддаси), шунингдек ходимнинг айбли хатти-ҳаракатлари билан (МК 100-модда иккинчи қисмининг 3 ва 4-бандлари) боғлиқ асослар бўйича бекор қилинган бўлса, ходим иш беворчига неустойка тўлайди. Агар меҳнат шартномасида неустойканинг миқдори белгилаб қўйилмаган бўлса, тарафлар уни тўлашдан овоз этиладилар.

Ушбу мажбуриятнинг асосий аҳамияти — шартнома тарафлари томонидан унинг муддати тўғрисидаги шартлар бажарилишини таъминлаш. Муддатли меҳнат шартномаси мазмунига неустойка тўлаш тўғрисида ўзаро мажбуриятнинг киритилиши унинг тарафлари ҳуқуқидир. Бинобарин, агар мазкур мажбурият шартномада шарт қилиб қўйилмаган бўлса, меҳнатга сид муносабатларнинг ходим ташаббусига қўра ҳам, иш беворчининг ташаббусига қўра ҳам шартнома муддатининг тугашига қадар бекор қилиниши оdatаги тартибда неустойка тўлашдан амалга оширилади. Бу — умумий қоида.

Сизнинг ҳолатингизда, яъни компанияда ишлаётган ходимни таълим олишга юборишни режалаштиришнинг, МК 75- моддасининг учинчи қисмига мувобик, номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномаси ходимнинг розилиги билан шартноманинг амал қилиш муддати тугагунга қадар у муддатидан олдин бекор қилинганда тарафларнинг неустойка (ходимни ўқитишга сизнинг харажатларингизни) тўлаш тўғрисидаги мажбурияти билан қайта тузилиши мумкин. Одатда, ишлаб бериш муддатини муддатли меҳнат шартномаларининг 5 йилдан ортиқ бўлмаган муайян муддатга тузилиши мумкинлиги (МКнинг 75-моддаси) қоидадан келиб чиқиб белгилаш тасвия этилади.

Агар таълим олиб келган ходимлардан бирортаси узрли сабабларсиз шартномада қайд этилган муддат тугашига қадар ишлан бўлса, ушбу ходим иш беворчи томонидан уни ўқитишга сарфланган харажатларини тўлаши шарт. Ушбу шартномада неустойка тўлаш тартиби белгиланиши мумкин. Хусусан, уни дарҳол ёки муайян давр мобайнида қисмларга бўлиб тўлаш назарда тутилган мумкин. Бунда тарафлардан бири неустойка тўлашдан бош тортса, уни ун-дириш суд тартибда амалга оширилади.

САВОЛ: Мен 3 йилга тузилган меҳнат шартномасига асосан ишлардим. Муддатнинг ўртасида менга 3 йиллик болани парвариш қилиш таътили берилди. Шартноманинг муддати ушбу даврда тугаши керак бўлса-да, бироқ озаки тарзда мен билан янги шартнома тўзиш кераклигини айтишди. Меҳнат шартномасининг муддати тугаши билан, болани парвариш қилиш таътилининг муддати тугаган бўлса ҳам, мени ишдан бўшатишди. Ишдан бўшатилишимни бундан ўрни йўқлиги билан асослашди. Қўлимга меҳнат дафтарчаси беришди, ишсизлик нафақаси тўлашмади, меҳнат биржасига ахборот юборишмади. Бир йилдан кейин фирмага ёзма равишда: «Декретдан чиқяпман, менга иш жойи беришингизни сўрайман», дея мурожаат қилганимда: «Сиз бизда ишламайсиз», деган жавобни беришди. Судга даъво беришнинг барча муддатлари эса ўтиб бўлган. Мен кимман: ҳозир 2,5 йилга тўлган болани парвариш қилиш таътилига ходимманми ёки ишсизми? Ҳуқуқларимни ҳимоя қилиш учун қаерга мурожаат қилай? Д. ЖАББОРОВА.

ЖАВОБ: Сизнинг мурожаатингизда ташкилотнинг фаолияти йўналиши ва ташкилий-ҳуқуқий шакли тўғрисида ҳеч нарс айтилмаганили сабабли фақат вазиятнинг умумий баҳосини бериш мумкин. Мазкур ҳолда меҳнат қончилигининг бир нечта қондалари бузилган. Иш беворчининг меҳнат шартномасини муддат тугаши муносабати билан бекор қилиш тўғрисида (буруйчи (фармойиши) ходимга эълон қилинмаган. Муддат тугаганили сабабли меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳолларда ҳомилдор аёллар ва 3 йилга тўлган боласи бор аёлларни мажбурий ишга жойлаштириш талаби бажарилмаган. Ишга жойлаштириш даврида ходимнинг иш ҳақи сақланмаган (бу муҳлат муддатли меҳнат шартномаси тугаган кундан бошлаб 3 ойдан ошмаслиги керак) (Меҳнат Кодекси (МК) 237-моддасининг иккинчи қисми).

САВОЛ: Фирмамиз мулкдори ўзгарди. У ерда қисқариш бўлиши маълум қилинди. Мен ҳозир 53 йшдаман. Агар иш бўйича менга нисбатан ҳеч қандай эътироз бўлмаса, иш беворчи мени пенсия ёшига етишим билан ишдан бўшатиши мумкинми? Ҳ. РАЖАБОВ, Кармана тумани

ЖАВОБ: Пенсияга чиқиш арафасидаги шахслар шунчи билишлари лозимки, 2011 йил 1 январдан бошлаб иш беворчи ходим ёшига доир пенсия ёшига етганда ўз ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқини олди (МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 7-банди).

Меҳнат муҳофазаси

Президентимизнинг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги» Қарорига асосан Қарши Давлат университетига кенг бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Жумладан, университетнинг 2-ўқув биноси, 1-спорт зали, 5- ва 6- талабалар турар жойида мукамал таъмирлаш ишлари якунланди.

Ғолиблар ҳузурида

Эндиликда олий таълим даргоҳига қадм қўйган кишининг ёшларга яратилган шароитдан кўнгли тоғ қадар ўсади. Ушбу ўқув масканида 5211 нафар йигит-қиз тахсил олаётир. Қувонарлиси, 926 киши меҳнат қилаётган университетда иш беворчи ва касабга уюшма кўмитасининг ижтимоий шериклик таъминлари асосида фаолият олиб бориши натижасида ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояланмоқда.

Жумладан, жорий йилда 21 нафар ходим республикамизнинг турли сўхатҳоҳларида саломатлигини тиклади. 30 нафар ходимнинг фарзандлари Шаҳрисабз туманидаги «Зиё чашмалари» оромгоҳида ҳордик чиқарди. 50 нафар педагогининг Самарқанд вилоятига саёхати уюштирилди. «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шiori остида мамлакатимиз мустақилигининг 22 йиллик байрамини нишонлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди, турли учрашув, маънавий-маърифий тадбирлар уюштирилди. Байрам муносабати билан 12 нафар фахрий ҳолидан маблағ олиниб, жамоа шартномасига асосан, уларга иш беворчи ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатилди.

Маълумки, ҳар йили Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатасининг қўшма қарори билан тасдиқланган «Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш бўйича энг яхши корхона» республика кўрик-танлови ўтказиб келинади. Жорий йилги кўрик-танлов якунларига қўра, Таълим, фан ва маданият ходимлари касабга уюшмаси тармоғида Қарши Давлат университетининг меҳнатни муҳофаза қилиш ишлари юқори баҳолиниб, ғолиб деб топилди.

Ходимларнинг бу борадаги билим савиясини янада чуқурлаштириш мақсадида вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси давлат инспекцияси билан келишилган ҳолда «Дорул касб-хунар» МЧЖ томонидан 43 нафар ходим ўқитилди. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича билими синовдан ўтказилиб, сертификатлар берилди.

Университет ҳудудида жойлашган тиббий хизмат кўрсатиш маскани ва талабалар турар жойидаги тиббиёт хоналарига доридармон олиш учун иш беворчи маблағи ҳисобидан 10 млн. сўм, иш беворчининг фуқаролар жавобгарлигини мажбурий сўғурта-лаш мақсадида эса 3 млн. сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Талабалар турар жойларида гигиеник хоналар ишлаб турибди.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Фуқаролик жамияти сари

Сайлов — демократиянинг бош мезони, фуқаролик жамиятининг муҳим хусусияти, ҳаққ иродасини ифода этишининг асосий шаклидир. Мустақиллик йилларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ушбу институтни жамият сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас қисми, қудратли бунёдкорлик салоҳиятига эга бўлган ижтимоий ўзини ўзи бошқаришнинг гоят муҳим бирламчи бўлини сифатида янада кучайтириш бўйича тизимли ва изчил чора-тадбирлар кўрилди.

Хозирги кунда маҳалла илгари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатига кирган ижтимоий-иқтисодий хусусиятдаги ўттиздан ортиқ вази-фаларни бажармоқда. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва

Ошқоралик, муқобиллик, тенглик асосий мезон бўлиб хизмат қилади

уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссия томонидан ташкил этилган давлат органларида ёки нодавлат нотижорат ташкилотларида ёхуд тадбиркорлик ва бошқа ҳужалик фаолияти соҳаси-да иш тажрибасига, шунингдек, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, оғир ёхуд ўта оғир жиноятларни содир этганлиги учун судланган ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар, шунингдек, суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётганлар, ҳақиқий ҳарбий хизматдаги шахслар, диний ташкилотларнинг профессионал хизматчилари фуқаролар йиғини раиси лавозимига сайланиши учун номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас.

Эндиликда фуқаролар йиғини раиси маслаҳатчилари лавозимларида номзодлар тегишли ҳудудда доимий яшайдиган фуқароларнинг фикрлари инobatга олинган ҳолда

ишчи гуруҳ томонидан кўрсатилади.

Фуқаролар йиғинини (фуқаролар вакилларининг йиғили-шини) ўтказиш тартибига ҳам ўзгартиришлар киритилган бўлиб, у ишчи гуруҳининг раҳ-бар раислигига ўтказилди. Қонунга фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодлар ўзининг келгуси фаолият дасту-рурини эълон қилиш лозимли-ги тўғрисидаги қоидадан киритилганлиги фуқаролар у ёки бу номзодни сайлаш масаласи-га тўғри ёндашишга, номзоднинг фуқаролар йиғини фаолияти самарадорлигини оши-риш борасидаги режаларидан хабардор бўлишига, шунинг-дек, агар раис бўлиб сайлан-

Нуратулло ПАРДАЕВ, Жиззах вилоят касабга уюшма ташкилотлари бир-лашмаси Кенгаши раиси, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи вилоят комиссияси раиси

Огоҳ бўлайлик!

Мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш, юртдошларимизни ушбу жиноят жабрдийдалари бўлиб қолишдан асраш, уларга тўғри қўрсатма ва тушунчалар бериш борасида бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Иллат йўлига тўсиқ

Ўзбекистон Республикаси-нинг 2008 йил 17 апрелдаги «Одам савдосига қарши кура-шиш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Юртбошимизнинг 2008 йил 8 июлдаги «Одам савдо-сига қарши курашиш самара-дорлигини ошириш чора-тад-бирлари тўғрисида»ги Қарори жиноятнинг олдини олиш ва йўқ қилишнинг ҳуқуқий асо-сларини кафолатлайди. Айтиш лозимки, тегишли Қонун қабул қилингунга қадар

қабул қилинган «Одам савдо-сига қарши курашиш самара-дорлигини ошириш чора-тад-бирлари тўғрисида»ги Қарор эса юқоридаги қонун норма-

монидан давлат органлари, жамоат ташкилотлари, фуқа-роларнинг ўзини ўзи бошқа-риш органлари билан ҳамкор-ликда муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, аҳоли бандлигини яратинлаш, янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, вилоятда тасдиқланган дастурга асосан 2012 йил ва жорий йилнинг 8 ойида 127 миң 673 та янги иш ўрни яратилди. Бундан ташқари, одам савдо-сига қарши курашиш бўйича вилоят ҳудудий идораларо комиссия ташаббуси билан Наманган шаҳридаги «Барка-

мол авлод» спорт мажмуаси-да бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Ярмар-када 101 та корхона, ташкилот ва ҳўжалик юритувчи субъект-лар 1100 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Яқунда 257 на-фар фуқаро иш билан таъмин-ланди, 943 нафарига эса меҳ-нат қонунчилиги бўйича зарур маслаҳатлар берилди.

Булардан кўзланган мақсад ягона — мамлакатимиз фуқа-роларининг шаъни, кадр-қим-мати, осийошга турмушини асраш, юртимизнинг эртанги порлоқ келажакка раҳна со-лувчи ҳар қандай иллатни та-томбири билан йўқ қилишдир. Наима ЯДИГАРОВА, Наманган вилоят адлия бошқармасининг тарғибот ва ҳуқуқий маърифат бўлими етакчи маслаҳатчиси

ларини амалга татбиқ этишда муҳим аҳамият касб этди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар асо-сида одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идораларо комиссияси ҳамда унинг жойлардаги ту-зилмалари ташкил этилди. Унинг таркиби ва Миллий тад-бирлар режаси тасдиқланди. Айни пайтда жиноятнинг олдини олиш, унга қарши кура-шиш мақсадида ҳудудий идораларо комиссиялар то-

Навий вилоят касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши

*Ҳаётини эл саломатлигини муҳофаза қилган
эзу ишти башитлаган, инсонлар дардига
налжал бўлиб яшаётган, юраги яхшилигу
саховатга тўла шифокорларни,
меҳр-шарфат тилеолу бўлган
ҳалтираларни, соҳа фидойиларини касб
байрами — Миллий ҳодимлари
кунин билан туборакбод этади.
Эл саломатлиги йўлида олиб бораётган
масъулиятли ва оқилжаноб
ишларингизда омад ёр бўлинг!
Байрамингиз туборак,
азиз ҳамкашлар!*



миз Имом ал-Бухорий зиёрат-гоҳига етказиб қўйганини сезмай ҳам қолишди.
Сир эмас, Имом ал-Бухорий зиёратгоҳи йилдан-йилга ободонлашиб, чирой очиб бормоқда. Бу ерда барпо этилган яшил майдонлар, меҳмонларга бош эгиб чайқалиб турган мажнунтолларнинг ўзгача таровати киши кайфиятига беихтиёр таърифлаб бўлмайдиган ажабтовур ҳиссиётлар бахш этади. Меҳмонларнинг аксарияти бу мажмуада бир неча бор бўлишганлигига қарамасдан, сўнгги ўзгаришларни кўриб тасаннолар айтишди.
— Мамлакатимизда тарихий қадриятларга эътибор, буюк

лонимиз Амир Темури хазратлари мақбараси тилга олинади. Нуронийлар бу масканга олиб келинадиган йўл бўйидаги турфа рангда товланувчи ва куйловчи фавворани ҳайрат билан томоша қилишди. Саёҳатчилар Буюк соҳибқирон хоки пойларига ётган мажмуадан бир олам таассурот ва руҳан қувватланиб чиқишди.
Олтин куз кунини қисқа. Сафар ниҳоясида қайта қурилиб ишга туширилган «Темир йўл» деҳқон бозорида бўлган меҳмонлар бу манзилдаги бунёдкорликка ҳам тасаннолар айтишди.
— Касаба уюшмаси ҳомийлигида Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан ҳамда бахтимиз Қомуси Конституциямиз байрами арафасида рамзий маънода 22 нафар нуронийларимизнинг Самарқанд шаҳрига сафари уюштирилгани катта иш бўлди. Халқ манфаати йўлида узоқ йиллар меҳнат қилган отахонлар сайру саёҳати жуда мазмунли ва таассуротларга бой кечди, — дейди Ўзбекистон «Нуроний» жамғармаси раиси ўринбосари Шўхрат Усмонов. — Бунинг учун, аввало, Ўзбекистон касаба уюшмалари катта раҳмат. Отахонлар Самарқанд мисолида юртимиздаги улкан ўзгаришларни кўришди. Гапнинг очиги, бу ердаги ободончилик, замонавий биноларнинг барпо этилиши ақлни дол қолдиради. Самарқандни яхши биллашимиз. Аммо ҳеч бир даврда қўлимизга ҳозиргидек дилбар, салобатли ва мухташам кўринмаган. Қаранг, кечаги кунда бу муаззам шаҳар қандай кўриниш касб этади. Бугун эса тамомила бошқача. Шаҳарларимиз тисмолида истиқлолимизнинг рангингизни кўриб баҳра олган отахонлар миннатдорчилигининг чеки йўқ. Нуронийларимиз «Илоҳ юртимиз жамоли ва оқсоқиллигига кўз тегмасин», деб дуо қилишди.
Тезорар «Афросиёб» кун боғиши арасида меҳмонларни олиб пойтахт сари елдек учиб кетди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Саёҳат ва зиёрат

(Давоми. Бошланиш 1-саҳифада).

Дарҳақиқат, ишга тушганига кўп бўлмаса-да, «Нодир Самарқанд» мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган меҳмонларни кўришга қўйиб олаётган. Ҳам қўлай, ҳам арзон меҳмонхона хизмати барчага манзур бўлмоқда.

Мана яна меҳмон келаяпти... Дунёнинг кўплаб давлатлари орзу қилиб етолмаган учқур «Афросиёб» поезди манзилга элиб қўйган бу галги меҳмонлар узоқ йиллар турли жабҳаларда катта улуш қўшган бир гуруҳ отахонлар эди. Уларнинг муқаддас заминга ташири республика «Нуроний» жамғармаси ташаббуси ҳамда касаба уюшмалари ҳомийлигида амалга оширилди.

Мухташам, замонавий Самарқанд автовокзалида саёҳатчи отахонларни «Нуроний» жамғармаси вилоят умумий раиси Хасан Норбеков, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Акбар Қодировлар кутиб олишди. Кўна шаҳарга бир кунлик сафар хар жиҳатдан мароқли ва мазмунли бўлиши керак.

Меҳмонлар темир йўл вокзалидан ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий хоки пойи зиёратига отландилар. Йўл-йўлкай отахонлар мулоқотида кулук тутамиз.
— Юртимизда ярашиб тушаётган мўъжизалар орасида энг аjoyибларидан бири «Афросиёб» учқур поезди бўлди-да, — дейди меҳнат фахрийси Ҳожиакбар Анваров. — Қаранг, Тошкент билан Самарқанд оралигини кўз очиб юмгунча босиб ўтди-я! Бир пайтлар автобусда қарийб 5,5-6 соат йўл босиб, хориб-чарчаб келинардик. Бир пайла чой ичгулик вақтда манзилдамиз. Ҳукуматимизга раҳмат! Халқимиз учун ана шундай шароитларни яратиб бераёпти.

Шаҳардан чиққач, қишлоқ манзаралари бошланади. Шундоққина Қорадарё бўйларида бунёд этилган замонавий қишлоқ ва қўрғончалар, барча шаҳарга ага намунавий уйлар қарийб 5-6 соат йўл босиб, хориб-чарчаб келинардик. Бир пайла чой ичгулик вақтда манзилдамиз. Ҳукуматимизга раҳмат! Халқимиз учун ана шундай шароитларни яратиб бераёпти.

ажодлар меросига эъзоз кўрсатилиши халқимизнинг кўнглидаги иш бўлаётди, — дейди тошкентлик нуроний отахон Мурод Ботиров. — Халқимиз орасидан етишиб чиққан ана шундай алломадан фахр, гуруримиздир. Маъмуада амалга оширилган хайрли ишлар бутун авлодларга хизмат қилади, қолаверса, халқ хотирасида абадий яшайди.

Шундан сўнг отахонлар бироз тин олиш мақсадида касаба уюшмаларига қарашли «Нодир Самарқанд» меҳмонхонасига ташриф буоришди. Нуроний отахонлар жамоат ташкилоти томонидан кўна шаҳарда мухташам меҳмонхона барпо этилганидан мамнун бўлишди. Меҳмонхона ошхонасида тайёрланган лаззатли таомлардан тотиб, Самарқанд чойидан мириқиб ичишди. Сафар қисқалиги боис яна йўлга отланишди. Жаҳондаги дурдона шаҳарнинг донги кетган Сиёб бозори, унга ёқиндош Регистон майдони кўридан баҳраманд бўлишди. Майдонга ўзгача тароват бахш этиб турган «Йўлбарслар» хиёбонини кўздан кечиришди.

Самарқанд ҳақида гап кетганида, албатта, буюк бобока-



«Kim oshdi savdo servis» МЧЖ нархлар ошириб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

1. 2013 йилда 10 декабр кунини соат 11:00 да Урганч шаҳар, Шерозий кўчаси, 12-уйда ўтказиладиган очик аукцион савдосига Хоразм вилоят прокуратурасининг 2013 йил 6 ноябрдаги 27-1-13-сонли хатига асосан Урганч шаҳар, Хонқа, кўчаси 24-уйда сақланаётган Хоразм вилоят прокуратураси балансида бўлган таъмирталаб ҳолатдаги 2003 йилда ишлаб чиқарилган «NEXIA-D» русумли давлат белгиси 90 505 AAA бўлган автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси 15 015 000 сўм.

Ушбу мол-мулклар 2013 йил 10 декабрдаги аукцион савдосига сотилмай қолган тақдирда, тақририй аукцион савдолари 2013 йил 12, 17 ва 19 декабр кунлари бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Ушбу савдода қатнашиш истагида бўлган харидорлар закат шартномасини тузиб, «Kim oshdi savdo servis» МЧЖ ҳисоб рақамига 20 фоиз гаров пули тўлаган ҳолда ариза бериб рўйхатдан ўтишлари шарт. Ариза қабул қилиш савдо бошланганидан бир кун олдин тўхтатилади. Ҳисоб рақами 2020800004959643001 АТИБ Ипотека банк Тинчик филиали МФО 00580, ИНН 302221689.

2. 2013 йилда 11 декабр кунини соат 11:00 да Урганч шаҳар, Шерозий кўчаси, 12-уйда ўтказиладиган очик аукцион савдосига Хоразм вилояти Богот туман ҳокимлигининг 2013 йил 4 октябрдаги 4-90-сонли умумий йиғилиши баёни қарорига ҳамда 2013 йил 6 ноябрдаги 4-1145-сонли хатига асосан Богот туман Ўзбекистон кўчаси 18-уйда сақланаётган Богот туман ҳокимлигига қарашли бўлган таъмирталаб ҳолатдаги 1998 йилда ишлаб чиқарилган «ГАЗ 3110» русумли давлат белгиси 90 911 GAA бўлган автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси 2 824 000 сўм.

Ушбу мол-мулклар 2013 йил 11 декабрдаги аукцион савдосига сотилмай қолган тақдирда, тақририй аукцион савдолари 2013 йил 13, 18 ва 20 декабр кунлари бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Ушбу савдода қатнашиш истагида бўлган харидорлар закат шартномасини тузиб, «Kim oshdi savdo servis» МЧЖ ҳисоб рақамига 50 фоиз гаров пули тўлаган ҳолда ариза бериб рўйхатдан ўтишлари шарт. Ариза қабул қилиш савдо бошланганидан бир кун олдин тўхтатилади. Ҳисоб рақами 2020800004959643001 АТИБ Ипотека банк Тинчик филиали МФО 00580, ИНН 302221689.

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

Савдо қолибига савдо кунидан бошлаб 5 (беш) кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш юклатилади.

Телефон: +99862-226-88-87, + 99891-422-88-87. Хизматлар лицензияланган.

ДИҚҚАТ!

«BEST GLOBE REALTOR» масъулияти чекланган жамияти томонидан «Ishonch» газетасининг 2013 йил 19 октябрдаги № 128 (3321)-сонда берилган танлов савдолари хабарномасининг

1. Дориҳона қуриш учун Қоровулбозор тумани Ал-Бухорий м.ф.й., Мустақиллик кўчаси худудидида жойлашган умумий ер майдони 100,0 кв.метрдан иборат бўлган 2 та ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи.

Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 62 240 сўмдан.

2. Савдо дўқони қуриш учун Қоровулбозор тумани Ал-Бухорий м.ф.й., Мустақиллик кўчаси худудидида жойлашган умумий ер майдони 150,0 кв.метрдан иборат бўлган 1 та ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи.

Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 31 120 сўмдан деган қисмларига тузатиш киритилганлиги сабабли, қуйидаги тахрирда ўқилсин:

1. Дориҳона қуриш учун Қоровулбозор тумани Ал-Бухорий м.ф.й., Мустақиллик кўчаси худудидида жойлашган умумий ер майдони 150,0 кв.метрдан иборат бўлган 1 та ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 93 360 сўм.

2. Савдо дўқони қуриш учун Қоровулбозор тумани Ал-Бухорий м.ф.й., Мустақиллик кўчаси худудидида жойлашган умумий ер майдони 150,0 кв. метрдан иборат бўлган 1 та ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 93 360 сўм.

Буюртманомаларни топшириш ёки танлов ҳужжатларини олиш ҳамда қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.

«Танлов ташкилотчиси» — «BEST GLOBE REALTOR» масъулияти чекланган жамияти. Аукцион савдолари манзили: 200100, Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси, 10-уй. Лицензия RR 0029, E-mail: bg_reltor@list.ru, тел: +99 895 600-97-17.

Уқиматнома
Тил ширинлиги
— кўнглига ёқимлидир; мулоимлиги эса — фойдали. Чучук тил аччиққа айланса кўнчиликка зарари тегади; қандан май тайёрланса ҳаром бўлади. Ширин сўз соф кўнгишлар учун асал каби тотлидир; болалар учун мулоим табиати одам — ҳалвофуруш каби севимлидир.
Алишер НАВОЙИ

Уқиматнома
Самад домла ишдан келиши билан Сожида опа жавраб қолди:
— Бундоқ бошқаларга ўхшаб, набирангизга қайишмайсиз ҳам. Холида ўқишга кира олмайди. Уша институтда суягингиз қотган.
Бир оғиз айтиб қўйсангиз, олам гулистон бўларди...

Қайтар дунё

Самад домланинг кўз олди-га қизи билан куёвининг тўмсайишлари-ю, набирасининг мунгайган чеҳраси келди. Сожида опанинг гапларини бошқа эшитиб турмади. Тўғри кизиникига йўл олди. Етиб келиб кўрдики, ҳақиқатан қизи Мунира ҳамда набирасининг қовоғидан қор ёғарди. Салом-алиқанд сўнг муд-даога кўчди. Маълум бўли-шича, Холида математикадан бўш экан. — Нега ўзим у билан шах-

сан шуғулланмадим, — ажаб-ланиб ўзига ўзи савол бер-ди Самад домла. — Ахир ма-тематик бўлсам. Сўнг: — Мактабда ким сенга дарс берган, — деб сўради набирасидан.

Чиқа солиб, йўл четидаги ўриндиққа ўтирди. — Тавба, бу дунёнинг иш-ларига ҳайронман, — деб кўйди пичирлаб. Бу воқеа йигирма йиллар илгари бўлганди. Домла иморат бошлаб кўйди. Ма-ошга қараган одам эмасми, анчагина қийна-либ қолди. Ле-кин жиккаккина бир талаба гишми, ёғоч билан туя бўлармиди? — дея уни қайтарарди.

— Вали Ҳамдамович, — дея йиғламсираб жавоб бер-ди Холида. Самад домла хайр-хўшни насия қилиб, мактабга жўнади. Суриштириб, ўқитувчининг топди. Унга кўзи тушди-ю... Вали Ҳамдамо-вичнинг чеҳраси ёришиб, пешвоз юрди. — Ассалому алайкум, дом-ла, қадамларига ҳасанот. Ке-линг, келинг... Самад домланинг хуши учди ва худди ит қўлаётган-дек кўчага отилди.

ёки бошқа қурилиш матери-алларими, ёғдириб ташла-ди. Ҳар сафар домла нархи-ни суриштирганда: — Кўяверинг, домла, от билан туя бўлармиди? — дея уни қайтарарди. Орадан кўп ўтмай, иморат ҳам тикланди. Иштихон вақт-ларида Самад домла унга фақат «аъло» баҳо қўядиган бўлди. Уша жиккаккина талаба ҳозир кўриб тургани Вали Ҳамдамович эди. Незмат РАФИҚОВ

ИНСОН
ИНСОН ШУ ҚАДАР БУЮККИ, УНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИНИ ЎЛЧАШ — ДУНЁ-ДАГИ ЭНГ БАЛАНД ТОҒНИНГ ЭНГ БАЛАНД ЧўҚҚИСИГА ЭМАКЛАБ ЧИҚИШ ЗАҲМАТИ БИЛАН ТЕНГ. ИНСОН ШУ ҚАДАР ТУБАНКИ, УНИНГ ИЛЛАТЛАРИНИ ЎЛЧАШ — ДУНЁДАГИ ЭНГ БАЛАНД ТОҒНИНГ ЭНГ БАЛАНД ЧўҚҚИСИДАН ЭМАКЛАБ ТУШИШ ЗАҲМАТИ БИЛАН ТЕНГ.
«Отчопар» да
«Отчопар» бозорида эски дўстини учратиб қолдим. Матема-тик... Олим... Сигарет сотиб ўтирган экан... Мени кўриб кўзини яширди. Мен ҳам бурилиб кетдим... Иккаламиз бир-биримиздан нега уялганимизни билмайман. Негадир... йиғлагим келди...
Фаришталар
Хонадонингизда кекса одам борми? Бахтли экансиз! Дунё таш-вишларидан тўйиб кетсангиз, шуларни зиёрат қилинг: ҳаёт аба-дий эмаслигини ўйлаб, таскин топасиз. Хонадонингизда гўдак борми? Сиз ҳам бахтли экансиз... дунё ташвишларидан тўйиб кет-сангиз, гўдакни бағрингизга босинг: ҳаёт абадий эканини ўйлаб, таскин топасиз...
Мунофиқ
Онасини беҳурмат қилган одам кўшни кампирни яхши кўраман деса, ишонмайман. Ўз халқининг тилини, маданиятини, тарихи-ни ҳурмат қилмаган одам бошқа халқларнинг тилини, мадания-тини, тарихини ҳурмат қиламан, деса ишонмайман.
Ўтқир ХОШИМОВНИНГ «Дафтар хошиясидаги битиклар» китобидан олинди

Бу — кизил
Янги зеландия-лик олимларнинг сўзларига кўра, асал, гул чанги, асалари захри ёрда-мида қон томирларининг кенгайиши, псориаз, артроз ва остеохондроз каби турли хил касалликларни даволаш мумкин экан.
Асал — даво
Уларнинг айтишича, асал таркибидаги организм учун жуда зарур бўлган темир, йод, цинк, кобальт, марганец, фтор каби ўттизга яқин микроэлементлар уйқусизлик, ошқозон-ичак хасталиқлари ва шамоллашни ҳам табиий йўл билан даволаш, жигарни тозалаш имконини беради. Маълумотларга қараганда, микроэлементлар таркибига кўра асалнинг ўттиз физиоли эритмаси инсон қонидан тайёрланган плазма ўрнини ҳам боса олади. Боиси қон билан асалнинг кимёвий таркиби деярли бир хил. Шунинг учун ҳам асал парҳез таом ва шифобахшлик борасида тенгсиз ҳисобланади.
Аёллар музейи
Германия-да дунёда бирин-чи марта хотин-қизлар тарихига оид музей очилди. Бонн шаҳрида ташкил этил-ган мазкур янги музей «Хотин-қизлар тарихи уйи» номини олди. У дунё аёлларининг жамиятда кўлга киритган муваф-фақиятлари ҳақида ҳикоя қила-ди. Ҳозир музейда узок ўтмиш-дан хўшироқ даврга қадар хотин-қизларнинг жамият ва дав-лат қурилишида тўтган ўрни ранг-баранг экспозицияларда акс эттирилган.

Бизнинг ми?
Соатни нега чап қўлга тақилангиз саба-бини ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Албатта, кўнчилик шундай тақдани учун, деб жавоб беришингиз мумкин. Ёки бўлма-са, соат чап қўлга тақилганга мослаб ишлаб чиқарилади, дейишингиз ҳам мумкин. Унда яна савол тугилади? Уша кўнчилик нима учун соатни чап қўлга тақиди? Ёки нима учун соатлар чап қўлга тақилганга мослаб ишланади? Агар тарихга назар ташлайди-ган бўлсак, бу каби саволларга аниқ жа-вобни топамиз.

Соат нега чап қўлга тақилади?

Биринчи бўлиб қўлга тақилдиган соатни 1868 йилда Пакет Филипп ихтиро қилган. Бу, аслида, қимматбаҳо тош-лар билан безатилган билағузук бўлиб, унга соат ҳам joy-лаштирилган эди ва буни фақат аёллар тақар эдилар. 1904 йилда бразилиялик ҳарбий учувчи Алберто Сантос Дюмонт соатсоз дўсти Луис Картердан уруш ва жангларда ҳам ечмай тақиб юрса бўладиган кўлсоат ясаб беришни ил-тимос қилган. Дўстининг илтимосини тўла-тўқис адо этди. Мухими, соатни ҳар қандай вазиятларда ҳам тақиб мумкин бўлиб, ҳеч ҳалақит бермас эди. У соатни фақат эркаклар тақшар эди. Картер уни «Сантос кўлсоати» деб номлади. Ушбу кўлсоат 1911 йилдан сотувга чиқди. Шундан кейин у анча оммалашди. Кейинчалик Франция, Швейцария каби давлатларда қўл соати тақиб урфга кирди. Чўнтак соатига қараганда бу соат анча қулай эди. Уша пайтда Картер маз-кур кўлсоатни чап қўлга мослаб ясаган. Чунки, урушда ас-карлар ўнг қўлларига қурол ва бошқа нарсаларни ушлайди-лар. Бошқа иш қилинаёт-ган пайтда ҳам инсон одатда ўнг қўлни ишлата-ди. Чап қўлга тақилган соат эса, ишлайётган ёки жанг қилаётган аскар учун ҳалақит бермайди. Учувчи Алберто айнан мана шу қулайлиқни кўзлаб, дўсти-дан кўлсоат ясаб беришни илтимос қилганди. Шу билан бирга, соат-нинг ёнидаги бурагичлари ҳам чап қўлга мослаб joy-лаштирилган. Агар соатни ўнг қўлга тақсангиз, унинг бурагичидан фойдаланиш анча қийин ва ноқулай. Қолаверса, ўнг қўл кўп иш бажарадиган қўл бўлгани учун ҳам соатни чап қўлга тақсак, унинг тимдаланиш, дарз кетиши ёки синиши эҳти-моли анча камади.



— Тўйга кечикмайдиган бўлдик...

Машҳурлар табассуми

Машҳур юнон файласуфи Сукротдан шогирдлари сўра-шибди: — Никоҳ қўнғилдагидек бўли-ши учун қандай шартлар керак? — Бунинг учун икки нарсга керак, — дебди Сукрот, — эр кар, хотин сўқир бўлиши керак.
Рус поэзиясининг қўёши Пушкин бир кун журнал ноши-рига хат йўллаб, ўзига тегишли қалам ҳақини сўрайди. Шоирга ёзилган жавоб хатда шундай саволлар бор эди: «Пулни душанбада олганингиз қўлайроқми ёки сешанбами? Икки юз сўмининг ҳаммасини би-ратўла олоқчимисиз ёки олдин юз сўми ҳам қиёмоми?» Шоирнинг жавоби қисқаргани эди: «Душанба сешанбадан яхши, икки юз сўм эса юз сўмдан яхши».

Аёллар музейи

Германия-да дунёда бирин-чи марта хотин-қизлар тарихига оид музей очилди. Бонн шаҳрида ташкил этил-ган мазкур янги музей «Хотин-қизлар тарихи уйи» номини олди. У дунё аёлларининг жамиятда кўлга киритган муваф-фақиятлари ҳақида ҳикоя қила-ди. Ҳозир музейда узок ўтмиш-дан хўшироқ даврга қадар хотин-қизларнинг жамият ва дав-лат қурилишида тўтган ўрни ранг-баранг экспозицияларда акс эттирилган.



Ҳазива

Гулмурод футбол бошланган заҳоти ёстиққа ёнбошлаб томоша қилишни бош-лаганди ҳамки, хотини шерик бўлди. — Ха, ишинг йўқми? — норози оҳангда сўради Гулмурод. Сабаби, бундай пайтла-ри хотини савол беравериб футбол кўрган-дай қилмасди. — Ҳамма ишимни тинчитдим! Уйинда гол бўлиб Гулмурод «гооол!» дея ўрнидан туриб кетаёзганди, бироқ, ҳакам-лар голни «уйиндан ташқари ҳолат»да ки-ритилди, дея ҳисобга олмади. Гулмурод сўкинганча жойига ўтирди. — Нега гол ҳисобланмади? — Оффсайд! — Нима у, «апсайт»? — Масалан, мен сенга «носқовогимни олиб кел», демасимданок носқовогимни излашга тушиб кетсанг, Мирзахаким ака-нини таъбири билан айтганда «воқеалар ривожидан илгарилар кўтган» бўласан, бу «оффсайд» ҳисобланади. Футбол кўришда давом этдилар. — Нега Мирзахаким акангиз «Ҳисоб нолу-нол, шу ҳисоб бизни кейинги босқич-га олиб чиқиши мумкин», деяпти, гол ур-масидан туриб ҳам ютиш мумкинми?

— Биринчи ўйинда, уларнинг майдониди биру-бир ўйнаганимиз. — Ие, барибир тенг бўлиб қоляпти-ку? — Уф, қандай тушинтирсан экан... Мана,



«Ишқибозлар» масалан, сен бир кун олдин кўшни хотин билан унинг ҳовлисида жанжаллашиб, юлишиб чиқдинг, ҳеч ким голиб бўлмади. Эртаси кун у бизнинг ҳовлимизга чиқди, бу сафар шуңчаки оғзаки айтишдиларинг, холос. Бу сафар ҳам ҳеч ким голиб чиқмади, лекин кўшнингнинг уйда юлишганинг ҳисобига сен

кейинги босқичдасан-да! — деди Гулмурод кулиб, сўнг кўшиб қўйди: — Лекин-чи, фут-бол кўришга ҳалақит беряпсан-да! — Унда, — давом этди хотини ҳам бўш келмай, — бир марта командангиз сафар-да 2:1 га ютиб, уйда 3:2 га ютказганда су-юнасдан, фақат сўкингандингиз. Бу дега-ни — қўшнингнинг эри билан аввал уларнинг уйда икки мушт тушириб, битта мушт еб чиққангиздан кейин, эртасига уйимизда икки мушт тушириб учта мушт еганингизда-қами? Гулмурод футболдан чалғима «ҳа!» деди-да, футбол кўришда давом этверди. Анчадан кейин хотини яна савол бериб қолди. — Нега ҳакам анави ўйинчига аввал сариқ, сўнг қизил карточка кўрсатиб ўйин-дан ҳайдаб юборди? — Бу ўйинчини ҳакам аввал ҳам огоҳлан-тирганди, бу иккинчиси эди. Икки марта огоҳлантириш — майдондан ҳайдалиш, де-гани! Аммо-чи, сен ҳам роса жонга тегдинг! Мен ҳам боя сени огоҳлантиргандим, бу ик-кинчиси бўлди! Бор, чиқиб сизгирга қара!!!

Рустам СУЛАЙМОНОВ

Кизингиз арзандами, пазандами?...

Маълумки, ҳар бир халқда ота-онани, қариндош-уруғни, ёру биродарни, ҳамкасбларни, уйига меҳмон бўлиб келган азиз одамларни сий-лайдиган шарафли ва аълонавий таомлари бўлади. Бизда ана шундай таом палов ҳисобланади. Палов тайёрлаш технологияси ва ре-цепти бўйича энг мураккаб таомдир. Агар бўлажак келин ушбу таомни тайёрлашни билар экан, демак, 20-25 хил таомни бе-малол тайёрлай олади, деган хулоса чиқа-ди. Илгари совчи бўлиб келганларга атаб дамланадиган паловни бўлажак келинчақ пиширган, токи совчилар бу қизнинг раса-мадли, чакдон, пазанда эканлигини ҳисоб-га олинлар. Блин. Рус халқида қадимда келин тан-лашга восита бўлган таом блин ҳисоблан-ган. Тухум қақиб ийланган суяқ хамирдан

товада нафис ва тўғрак шаклда пишири-ладиган ушбу чаллақ қўёшининг рамзи ҳисобланган. Христианликдан анча илгари кишилар қўшга сажда қиладиган байрам-ларида, айниқса, ёшлар тўпланишиб, блин-Келган совчиларга боршни бўлажак келинчақ пиширган. Бу таомни кўпни кўрган одамларга манзур қилиш учун қиз қувли, расамадли, пазанда бўлиши зарур. Чой. Маълумки, Ҳиндистонда қадим за-

монлардан буён чой ўсти-риб келинади. Ҳинд чойла-ри хануз ҳам жаҳонга ма-шҳурлигининг гувоҳимиз. Ҳиндлар чойни муқаддас неъмат деб биладилар, унга атай ривоятлар, ҳико-ятлар, шеърлар тўқилган. Ҳинд мутафаккири, шоир ва давлат арбо-би Робиндранат Тагор чарчаб, асабийла-

шиб турганда, рафиқаси дамлаб берган чойни ичиб туриб илҳоми жўшиб кетади-да, чойни улғулаб шеър ёзади. Чой ҳиндлар учун ичимликкина эмас, овқат ҳамдир. Бир пиёла чойдаги қувват бир бурда нонга тенг эканлиги ҳисоблаб чиқилган. Яна чойга улар сут, қаймоқ, ёғ, асал ва бошқа масалликлар қўшиб дам-лайдиларки, бундай чой дарҳақиқат ичимлик эмас, таомга айланади. Чой дамлашининг Ҳиндистонда ўнларча усули бўлиб, Дехлида ўзгача, Калкуттада бошқача, Мадрасда бўлачқа, қўнғинки, ҳар бир вилоятнинг ўзига хос чой дамлаш қоидалари бор. Шу боис бўлса керак, бўлажак келинчақка чой дамлаш қоидалари-нини билиш шарт қилиб қўйилади. Ана шунинг учун қизларнинг арзанда бўлмай, балки пазанда бўлиб тарбия-ланишлари уларнинг оилада бахтли бўли-шига сабаб бўлади.



Рассом Баҳром ТОҶИБЕВ

Advertisement for 'O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi' (Association of Craftsmen Unions of Uzbekistan). It includes contact information for the Bosh muharrir o'rinbosari (Zayniddin Rixsiyev), Tahrir hay'ati (Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadiyev, Oksana Belausova, Sog'Indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev), Muassis (O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi), and various subscription rates for different regions and institutions. It also features a barcode and ISSN information.